



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Советива Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

10 февраль 1973 йил, шанба

№ 35 (15.500) Баҳоси 2 тийин.

КАТТА МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Ленинград, Новгород, Донецк ва Витебск областлари қурилиш ташкилотлари ҳамда
енгил, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати корхоналарининг коллективларига

Азиз Уртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни катта меҳнат ғалабаси — енгил, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларини жадал суратда ишга тушириш юзасидан 1972 йил учун зиммага олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги билан қизгин қутлайдилар.

Коллективларингиз партия, совет, насаба союз ва комсомол ташкилотлари раҳбарлигида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қўлчи қўйиб, ишлаб чиқариш ресурслари ва илгир қўрилиш методларидан моҳирона фойдаланиб, мана шу соҳа объектида қурилиш-монтаж ишлари планини барвақт бажардилар.

Ленинград шаҳридаги тўр-парда, чингга гул босиш фабрикаларида ва сунгил тола заводига, Витебск шаҳридаги шойи комбинатида, Орша шаҳридаги энгир тола комбинатида, Дружковка шаҳридаги кичик асосида яги ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган мuddатлардан олдин фойдаланишга топширилди. Зўр бериб ишлаш натижа-

сида Донецк шаҳридаги ил-газлама комбинатининг биринчи навбати, Луга шаҳрида қолбасабон оқсилли ичан тайёрлайдиган завод, Торез, Красноармейск, Новгород гўшт ва сут саноати комбинатлари ишга тушириб юборилди.

Сизнинг ташаббусларингиз ва фидокорона меҳнатда эришилган юксак ишлаб чиқариш натижалари, бу ишларда қўрилган омивий гайрат-шижоат совет халқи турмуш даражасини оширишнинг мустақим моддий асосини яратиш юзасидан КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун ҳар бир меҳнат коллектида катта-катта имониётлар борлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг янги қувватларини қуриш ва ўзлаштиришда қатнашадиганларнинг ҳаммаси сизларнинг аjoyиб таъбирингиздан кенг қўламда фойдаланадилар, деб ишонч билдирадилар.

Азиз Уртоқлар, социалистик Ватанимизнинг фаровонлиги йўлида меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Енгил, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ҳамда Енгил, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлигининг корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини жадал қуриш ва ишга тушириш учун социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан қурилиш ташкилотлари ва корхоналари коллективларининг ташаббуси тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Енгил, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ҳамда Енгил, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлигининг 1972 йилда объектиларни қуриш ва ишга тушириш топшириқлари, рини барвақт бажариш тўғрисида зиммаларига мажбуриятлар олган Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР ва Донецк области қурилиш ташкилотлари ва корхоналари коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети қабул қилган қароридан уқтирдик, қурувчилар ва ишлатувчилар коллективларининг шу ташаббуси Енгил, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ҳамда Енгил, озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлиги корхоналарини жадал қуриш ва ишга тушириш борасида социалистик мусобақани тагин ҳам авж олдириш учун катта аҳамиятга эга. Мана шу тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларини ўстириш юзасидан тўқизинчи беш йиллик топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаб партия, совет, насаба союз ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитет.

ҚУРУВЧИЛАР РАПОРТИ

1972 йилда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати корхоналаридаги қурилиш-монтаж ишлари йиллик планларини мuddатидан аввал бажариш ҳамда шу тармоқларнинг корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларини жадал ишга тушириш учун социалистик мусобақа бошланг ташаббускорлари бўлган Ленинград, Новгород, Донецк ва Витебск областлари қурилиш ва монтаж ташкилотлари ҳамда корхоналарининг коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советига маълум қилдилар.

СССР Қурилиш министрлиги Главностроителга қарашли қурилиш ва монтаж ташкилотлари, Ленинград ва Новгород областларида енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати объектиларини қураётган корхоналарнинг ҳодимлари ўзларининг меҳнат рапортида 1972 йилги қурилиш-монтаж ишлари планларини мuddатидан илгари бажарилганлигини, мажбуриятларда

қўзда тутилган қувватлар, объектлар ва корхоналар ишлатиш учун топширилганлигини хабар қилдилар. Ленинграддаги тўр-парда тўқиш фабрикасида, суяғил тола заводида янги қувватлар ва Вера Слупская номида чингга гул босиш фабрикасида ишлаб чиқариш-машиний корпус белгиланган мuddатдан янги квартал барвақт ишга туширилди. Волховдаги «Грибунов» тикув фабрикасида ва Ленинграддаги «Советская звезда» йигирувчи комбинатида янги қувватлар ва ишлаб чиқариш қувватлари юборилди. Лугада қолбасабон оқсилли тайёрлайдиган маъмулот бичирчи завод маъсулот ишлаб чиқара бошлад.

Новгороддаги гўшт комбинати белгиланган мuddатдан уш ой аввал ишга туширилди, шу ҳисобдан кўшимча дақиқаша 700 тоинадан ортиқ гўштни қайта ишлаб берди. Оқловкада қаймоқ-сүзма заводи ва Старая Руссада пишлоқ заводи мuddатдан барвақт қурилиб, маъсулот ишлаб чиқаришга киришди. Украина ССР оғир индустрия корхоналари қурилиш министрлигининг «Донецкхастрой» комби-

натларининг қурувчилари ҳамда Донецк области корхоналарининг ҳодимлари 1972 йилда шу тармоқлардаги қурилиш-монтаж ишлари давлат планини 16 декабргача бажардилар. Дружковкадаги чини заводида идишлар ишлаб чиқарувчи қувватлар планда белгиланган мuddатдан тўрт ой илгари, Горловкадаги трикотаж газлама фабрикасининг кичикчи навбати мuddатдан икки ой аввал, Торез ва Красноармейск гўшт-сут комбинатлари бир ой барвақт ишга туширилди. Донецк ил-газлама комбинатида қалава ил ишлаб чиқарилган катта қувватлар, Славянскда 2-гўш пиширчи заводи ишлаб бошлад. Қувватлар мuddатдан аввал ишга туширилганлиги сабабли саноат корхоналари 1972 йилнинг охиригача меҳнатнашларнинг охтининги қондириш учун икки миллион сўмликдан кўпроқ маъсулот ишлаб чиқарди.

Белоруссия ССР Саноат қурилиш министрлиги қурилиш ташкилотларининг ва Витебск области корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари қурилиш-монтаж ишлари планини муваффақиятли бажариб, енгил

саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноатида янги қувватларни ишга туширишни таъминладилар. Витебск шойи комбинатида тайёр газлама ишлаб чиқарадиган қувватлар тўртинчи квартал ўрнига учинчи кварталда ишга туширилди, Ленинграддаги Орша энгир тола комбинатидаги йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришлари мuddатдан аввал юзасидан юборилди, бу ердаги 144 та тўқув станоти мuddатдан бир йил илгари ишга туширилди.

Витебскдаги сут консерва заводи тўрт ой барвақт қуриб битказилди, Глубоководда сут консерва заводи, Полоцкида пиво заводи ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Ленинград, Новгород, Донецк ва Витебск областларидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг қурувчилари ва ҳодимлари коллективлари тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилда партия ва ҳукумат топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишчи қиламиз, деб КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советини ишонтирдилар.

Москва шаҳри, Белоруссия ССР, Молдавия ССР ва Донецк область қурилиш ташкилотлари ҳамда корхоналарининг енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт, сут саноати ҳамда Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлиги корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан социалистик мажбуриятлари

риб, уларни мuddатдан аввал ишлатиш учун топшириш мажбуриятини олдилар. Москва шаҳрининг қурилиш ташкилотлари ва корхоналари «Новатор» ўйинчоқлар фабрикасидаги ва Калинин номидаги жўя йигирчи фабрикасидаги ишлаб чиқариш майдонларини ва маийлий биноларни 1 ой барвақт ишга туширишга, Бадаев номидаги заводда қурилиш, Останкино ширанил суз заводидаги янги қувватларни белгиланган мuddатдан 1 — 2 ой аввал барпо этиб, алкогосиз ичимликлар ишлаб чиқаришнинг 1 миллион декалитр миқдоридида қўлайтиришга, москвалади 2-гўштни қайта ишлаш заводида ҳар сутнада 33 тонна қолбаса ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этишга, пойтахтнинг Бабушкин ва Волгоград районларида ҳар бири сутнасида 22 тонна маъсулот ишлаб чиқарадиган булчука-кандитер комбинатларини ишга туширишга, 20 декабргача Волоколамск тош йўлида ана шундай комбинатни ишлатиб юборишга қарор бердилар. 62

минг тоинадан кўпроқ сабзавот ишлатиш учун омборларни қуриш мuddатларини қисқартириш, уларни 1 сентябргача ишга туширишга ҳам қарор қилинди.

Эркаклар қўлайли фабрикаси ва биринчи чингга гул босиш фабрикасидаги кичикчи навбати корпус битказилди, фойдаланишга топширилди. Рязань ҳолодильниклари заводида йилда 110 мингта ҳолодильник ишлаб чиқарадиган корпус 7 ноябргача ва Москва желатин заводининг 1-пехи 5 декабргача қуриб битказилди.

Белоруссия ССР қурилиш-монтаж ташкилотларининг ҳамда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари тўқизинчи беш йилликнинг 3-йилида Мозир тикувчилик фабрикасидаги қувватларини бир квартал барвақт, Верхнедвинск, Мюрош шаҳарларидаги, Витебск областининг Ореховск шаҳридаги янги энгир тола заводларида ва Боб-

руйскдаги «Красный пишчевик» қондитер фабрикасида янги қувватларни мuddатдан икки ой аввал ишга тушириш мажбуриятини олдилар. Гродно ва Витебск гўшт комбинатларида янги қувватлар бир ой барвақт ишга туширилди.

Молдавия ССР Қурилиш министрлиги ва Кишлоқ қурилиш министрлигининг қурилиш ташкилотлари ҳамда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати корхоналарининг коллективлари Бендера шойи комбинатида 4,2 миллион метр тайёр газлама, ишлаб турган корхоналарда 27 миллион банна сабзавот ва мева консерваси ишлаб чиқарувчи янги қувватларни белгиланган мuddатдан бир квартал аввал ишга тушириш. Рибица қанд-спирт комбинатида углеислота ишлаб чиқарадиган, Кишинев гўшт комбинатида қолбаса, Кишиневдаги «Букурья» фабрикасида қондитер маъсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни қуриш мuddатларини 1,5—2 ой қисқартириш мажбуриятини олдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲАФИЗ
ИСМОИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Визит билан келиб, Москвада меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳафиз Исмоили 8 февралда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қабул қилди.

Суҳбатда Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳвол ва Совет—Миср муносабатларини янада мустақамлаш масалалари тилга олинди. Исроил қўшнлари 1967 йилда оккупация қилиб олган араб территорияларининг ҳаммасидан олиб чиқиб кетиш

ган тақдирда Яқин Шарқда мустақам ва адолатли тинчлик ўрнатиш мумкинлиги уқтириб ўтилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Миср Араб Республикасидаги элчиси В. М. Виноградов, шунингдек Миср Араб Социалистик иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси Х. Ганем ва Миср Араб Республикасининг Совет Иттифоқидидаги элчиси Я. Абдул Қодир қатнашдилар.

МАР ЭЛЧИХОНАСИДА
ЗИЁФАТ

Миср Араб Республикасининг Совет Иттифоқидидаги элчиси Яҳё Абдул Қодир 8 февралда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига новушта зиёфат берди.

Нонушта зиёфатда Совет ҳукуматининг меҳмони бўлиб Москвага келган Миср Араб Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳафиз Исмоил, Миср Араб Социалистик иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси Х. Ганем ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Зиёфат чоғида Ҳафиз Исмоил билан А. А. Громико дўстона қадҳ кўтариб, нуқт сўзладилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
СССР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ (АЭРОФЛОТ)НИ
ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳаво транспортини ривожлантиришдаги катта ютуқлари, пассажирлар ташиш, мамлакат халқ хўжалигида авиацияни қўлланиш, янги авиация техникасини ўзлаштириш планларини бажаришга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда тузилган кўнига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР граждан авиацияси (Аэрофлот) Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари: М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил, 9 февраль.

ВАТАН МУКОФОТИ

Ҳаво транспортини ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари, пассажирлар ташиш, халқ хўжалигида авиацияни қўлланиш ва янги авиация техникасини ўзлаштириш планларининг бажарилишга катта ҳисса қўшганлиги учун Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида биноан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

КЕНГАШ—СЕМИНАР ЎЗ
ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги органлари ва бўлинмалари раҳбар составининг республика кенгаш-семинари Тошкентда тўрт кун давом этди.

1972 йилдаги ишларнинг якулилари ҳамда КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорлари асосида ҳуқуқ-тартиботни ва социалистик қонунчилигини янада мустақамлаш борасида республика ички ишлар органларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Х. Х. Яҳёев доклад қилди.

Кенгаш-семинар қатнашчилари ички ишлар органлари иш-тиёрига берилаётган янги техника билан танишиб чиқдилар, илгир бўлинмаларининг иш таъ-

рибаларини ўргандилар, кино-атччиликка қарши қурашнинг ва жамоат тартибни сақлашнинг асосий масалаларига бағишланган амалий машғулотлар ўтказдилар. Ўлар ҳуқуқни бузишларнинг олдини олувчи жамоатчилик совети тузилган Тошкент асбобсозлик заводида бўлишди. Ўларга Ўзбекистон милиция органларининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи «Сменасиз вахта» деган фильм кўрсатилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. Д. Бесчастнов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛАМИЗ

Аjoyиб даврда, бахтли замонда яшаймиз. Мамлакатимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, ноҳоз ва соҳазоларнинг меҳнатсевар коллективлари янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Ишлаб чиқаришда, кўп ва сифатли маъсулот етказиб беришда катта-катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Тошкент ва Марғилон тўқувчиларининг беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини янада авж олдириш тўғрисида республика меҳнатнашларига мурожаат корхонамиз ишчи ва хизматчиларининг ҳам баянади меҳнат қилишга наҳоматлантириб юборди.

Пахта тозаловчиларимиз хатини ўқиб чиқиб, цех ва участка коллективларининг йилгилишида муҳонама қилишди. Кўпгина ишлаб чиқариш наҳорларимиз ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишадир. Бу мажбуриятларни қўзда тутилгандан анча барвақт ошириб бажариш тадбирларини ишлаб чиқишимиз. Биз «Минглар шартномаси» мусобақасининг қатнашчимиз. Коллективимиз ишлаб чиқараётган тола мусобақадом тўқимачилик корхоналарига жўнатиб турилибди. Тўқувчилар биз етказиб бераётган сифатли толадан миннатдор оналликларининг ўз хатарида наҳор қилишди. Бутун кучимизни, маҳоратимизни, гайратимизни зиммадаги топшириқларни ошириб адо этишга қаратганимиз.

Кенжа МУСАЕВ,
Москва пахта тозалаш заводининг моимк ажратувчиси

батини ишга тушириш ва 2393 та тўқув станотини мuddатдан 10 кун аввал ишлатиб юбориш таъминланади.

Тўқувчилар ва ишчилар коллективлари енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт, сут саноати корхоналарини ҳамда Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик министрлиги объектларини қуришда қатнашаётган барча ишчиларга мурожаат қилиб, капитал қурилиш планларини мuddатдан аввал бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват қилдилар; шунингдек лойиҳа ва монтаж ташкилотларининг, асбоб-ускуналар ва материаллар етказиб берувчи корхоналарининг ҳодимларини социалистик мусобақада уларни қўллаб-қувватлашга, ўз меҳнатлари билан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги янги қувватларни мuddатдан аввал ишга тушириш соҳасидаги энг муҳим вазифани бажаришга қўмлашшга чақирдилар.

Қурилиш, монтаж ташкилотларининг ҳамда корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш, КПСС XXIV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўлиш учун бутун куч, маҳорат ва таърибиятини ишга солишга, деб КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

Советлар Мамлакатиди



Владимир Асатрян Тбилисдаги Димитров номи авиация заводида бригадир бўлиб ишлайди. Ўтган беш йилликдаги муваффақиятлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Суратда: қаҳрамон ишчи заводида янги келган В. Пузиревага насаб-корининг сирларини ўргатмоқда.

А. Сааков фотоси (ТАСС).



Кора денгиз пароходчилиги «Капитан Чирков» номи янги океан кемаси билан бойиди. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдорлари А. Ширков билан А. Олейников манзилга жўнаш олдиан пароходни синиб кўришмоқда.

К. Дудченко фотоси (ТАСС).



Москвадаги автотранспорт элентр аппаратуралари заводида янги техника жорий қилиниши туфайли меҳнат уюмдорлиги уч-тўрт баравар ортомди. Суратда: соловчи О. Воронов. У қисқа вақт ичида универсал автоматни бошқаришни ўрганиб олди.

В. Зуфаров фотоси (ТАСС).



Шу беш йилликда салкам 4 минг километр янги нефть қузувлари қурилди. Усть-Балик — Курган — Уфа — Альметьевск оралиғида нефть қузуви 1800 километрдан кўпроқ масофага ётқизилди. Суратда: трассанинг 575-километрида қузувни пайдалаш пайти.

И. Сапожов фотоси (ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНА

Учрашувда журнал редактори Иброҳим Раҳим «Муштум»нинг 50 йиллик фаолияти ҳақида қисқача гапириб берди. Савол-жавоблар вақтида муштумчиларнинг ижодий планлари тўғрисида гап борди. Газета журналистлари учрашув охирида муштумчиларга янги ижодий муваффақиятлар тиланилди.



ТАВНА, 8 феврал
(ТАСС). Куба Компартияси
Марказий Комитетининг
Сиёсий бюроси Куба Ком-
мунистик партияси Марна-
вий Комитетининг секретар-
иятини мустақамлаш мақ-
садида секретариат состави-
ни кенгайтиришга қарор қил-
ди.

Хорхе Рискет, Антонио
Перес Эрреро, Исидоро
Мальмьерна ва Рауль Гар-
сия Пелаес секретариат аъзо-
лари бўлишди. «Гранма» га
эстаси шу ҳақда хабар бе-
ради.

Сенегал пойтахти Дакар ҳақидаги равишда Африкадаги энг муваффақиятли шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳарга замонавий баланд бинолар жуда ярашмиш бўлиб қолди. Суратда: Республика Ахборот-министрлигининг биноси.

АДДИС-АБЕБА. 8 февраль ТАСС мухбири А. Балеба нов хабар қилди:
Африка Бирлиги Ташкилоти, Министрлар Кенгашининг бу ерда ўтказилган 20 сессияси неча нисбани масалаларга доир музокараларни тугатиб, шу масалалар юзасидан тегишли резолюцияларнинг лойиҳаларини тайёрлашни махсус тузилган комитетга топширди.

ДЕХЛИ, 8 февраль. (ТАСС муқобири). Ҳиндистон ҳукумати 100 дан ортиқ тўқимачилик фабрикасини ўз назорати остига слангининг мамлакатининг демократик жамоатчилигини қизиги маъқулади. Бу фабрикаларнинг ағалари Фойда кетдан қувиб, ишчиларни аёвсиз эксплуатация қиладиган эди.

Тўқимачилик саноати Ҳиндистон миллий эконимиясининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, ўн минглаб ҳинд меҳнатқиларининг тирикчилигини шў тармоқининг муваффақиятлари ривожига боғлиқ. Ҳали яқиндагина деярли ҳамма тўқимачилик корхоналари газлама ва жут магнатлари қўлида эди. Ҳиндистон одатда чет мамлакатларга сотадиган тўқимачилик буюмларини реализация қилиш йўли билан шў магнатларнинг пўлат сандиқлари ҳар йили мўмай да ромад тушиб турар эди.

Давлат ихтиёрига ўтказилган корхоналарга ҳозир миллий тўқимачилик корпорация, си раҳбарлик қилмоқда. Бу таъшилот қисқа вақт ичида салтам бир миллион тўқимачи ишчини иш билан таъминлади. Тўқимачилик саноати корхоналаридаги 200 миңга яқин ишчи ва хизматчининг турмуш ва меҳнат шароитлари яқшиланди. Фабрикалар давлат жазинасига ҳар йили 400 миллион рупиядан иборат катта даромад бермоқда.

Ҳозир Ҳиндистоннинг турли штатларида тузилган маҳаллий тўқимачилик корпорациялари тўқимачилик саноати маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

В. МАТЯШ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА
КОРХОНАЛАР РАЎБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА.

Ўзбекистон ССР Автомобил-
лаларнинг йўлларини қўриш ва фойдала-
ниш вазирлигининг

«ЎЗДОРСТРОЙ»

Республика автомобиль йўл-
лари ва суғийиш ниҳосотлар
қўриш трести

ТУГАТИЛАДИ

Барча даъволар 1973 йил
мартга қабул қилинади.